

ТУРКИСТОНЛИК ҲАРБИЙ АСИРЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ТАҚДИРИ

Зоҳиджон Валижон ўғли ХОЛДОРОВ

таянч докторант

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Туркистон легиони аъзолари ва туркистонлик ҳарбий асирларнинг урушдан кейинги аянчли тақдири ҳамда собиқ Совет давлатининг уларга бўлган муносабати акс эттирилган.

Таянч сўзлар: Ялта конференцияси, ГУЛАГ, “Ватандош”, Вали Каюмхон, Боймирза Ҳайит.

СУДЬБА ТУРКЕСТАНСКИХ ВОЕННОПЛЕННЫХ ПОСЛЕ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Зоҳиджон Валижон ўғли ХОЛДОРОВ

базовый докторант

Институт истории
Академии Наук Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье отражена печальная судьба членов Туркестанского легиона и туркестанских военнопленных после войны, а также отношение к ним советского государства.

Ключевые слова: Ялтинская конференция, ГУЛАГ, «Ватандош», Вали Каюмхон, Боймирза Хайт.

Иккинчи жаҳон уруши якунланганидан сўнг Германиядаги совет ҳарбий асирларининг тақдири аянчли якунланди. Германия томонига асир тушган туркистонликлар билан бирга барча совет ҳарбий асирлари собиқ Совет ҳукумати томонидан халқ душмани сифатида баҳоланди. Собиқ Совет давлатининг АҚШ ва Буюк Британия билан имзолаган Ялта конференциясига биноан барча асирлар ўз ватанларига қайтарилиши зарур эди. Аммо, совет ҳарбий асирлари ватанларига қайтиш орқали ўзларининг ҳаётини хавф остига қўйишлари мумкинлигини тахмин қилишарди. Туркистон легиони таркибида бўлган минглаб туркистонликлар ҳам собиқ Совет давлатига қайтишни хавотир билан кутиб олишди. Лекин, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумати буни ҳисобга олмасдан асирларни Совет давлатига қайтаришни маъқуллайди.

1942 йил 13 январда “Душман томонидан асирга олинган собиқ қизил армия аскарларини НКВДнинг махсус лагерларида сақлаш тартиби тұғрисида” қабул қилинган қарор асосида НКВД раҳбари Л.П.Берия томонидан махсус лагерлар барпо этилади [1;5]. Бу жағон тарихидаги машхур ГУЛАГ лагерлари әди. Айнан шу лагерларда минглаб Германия томонига асир түшгандықтан әки улар томонида жанг қилған совет аскарлари үлдириб юборилади.

Германия таслим бўлганидан сўнг, Совет хукумати асирларни қабул қилиб олишни ва уларни махсус “фильтр”дан ўтказишни НКВД ҳузурида тузилган СМЭРШ ташкилоти зиммасига юклайди. Мавлон Шукурзоданинг маълумотларига қараганда, 1943-1946 йилларда СМЭРШ фильтридан бир неча миллион киши ўтган, улардан кўп қисми эса қатл қилинган [2;4]. СМЭРШ ташкилоти душман томонида жанг қилған ёки Германия концентрацион лагерларида сақланған совет ҳарбий асирларини собиқ Совет давлатидаги ГУЛАГ лагерларига жойлаштиришни назорат қиласади. Профессор Шодмон Ҳайитовнинг маълумотига кўра, собиқ Совет давлатига олиб келинган ҳарбий асирлардан 334 минг нафари ГУЛАГ лагерларига юборилган [7;80]. ГУЛАГ лагерларида ҳарбий асирларни Германиядаги концентрацион лагерлардан қолишимайдиган оғир ва аянчли ҳаёт кутиб турарди. Собиқ Совет ҳокимиютининг асирларга бўлган сиёсатини олдиндан кўра билган 180 минг ҳарбий асирлар эса ватанларига қайтиб келмади.

Америкаликлар қўлида бўлган совет ҳарбий асири Олим Рабатли шундай ҳикоя қиласади: “Совет давлатидан бир подполковник бизнинг лагерга келди. Бизга тановвул қилиш учун овқат берди ва “сизларни ватанингизда ота-онангиз қутмоқда, мен сизларни олиб кетаман” деди. 700 нафар совет аскарлари кемага чиқарилиб, Болгарияга олиб борилди. Уларнинг барчаси Болгарияда үлдириб юборилади. Бу воқеани эшитган АҚШ президенти И.Сталинга кўнғироқ қилиб, “Бу аскарлар нега үлдирилди? Уларнинг ҳеч қандай айби йўқ әди, улар Германия канцлагерларидаги оддий асирлар әди” деб айтади. Сталин эса “уларнинг үлдирилишидан умуман хабарим йўқ, мен

буйруқ бермаганман” дея жавоб беради. Бошқа бир асир Отабек Ҳургенч эса United Nations Relief and Rehabilitation (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёрдам ва Реабилитация Маъмурияти) ҳузуридаги лагерларда она юртига қайтишни хоҳлаган совет ҳарбий асиirlарининг ҳаётини қуидагича тасвирлайди: “Менинг бир Анвар исмли дўстим бор эди. У Франкфурт шаҳрида совет ҳарбий асиirlарини СССРга юбориш учун поездларга чиқарилаётган вақтда, бир аскардан аввал олиб кетилган асиirlар Польша ўрмонларида отиб ташланганини эшитади. Анвар бу хабарни эшитганидан сўнг, поезддан қочиб, биз турган лагерга келиб, жонини сақлаб қолди” [11;386].

Туркистон легиони таркибидаги минглаб туркистонликлар ўз ватанларига қайтишни хоҳламадилар. “Шарқ юлдузи” журналида Боймирза Ҳайитнинг Туркистон легионига доир мақоласида асиirlарнинг урушдан кейинги тақдири тўғрисида маълумотлар келтирилади. Боймирза Ҳайитнинг маълумотига қараганда, 200 минг туркистонлик Совет давлатига қайтишни хоҳламаган. 1945 йилда Боймирза Ҳайит Германиянинг Бавария шаҳридаги Туркия вакили Эҳсон Унасандан туркистонлик асиirlар масаласида ёрдам сўрайди. Эҳсон Унасан Боймирза Ҳайитга туркистонликларнинг анкеталарини тайёрлашини айтади. Эҳсон Унасан анкеталарнинг бир нусхасини ўзида қолдиради, иккинчи нусхасини эса Туркияга яширин йўллар билан жўнатади. Бироқ, бортида Эҳсон Унасан бўлган самолёт Югославия осмонида уриб туширилади ва ўзи билан бўлган асиirlарнинг анкеталари ҳам йўқолади. 100 минг туркистонлик асиirlарга тегишли анкетанинг иккинчи нусхасини Туркия масъул хизматчилари жиддий текширувдан ўтказади. Туркиядаги масъул хизматчиларнинг ўртасида “Агар булар орасида совет жосуслари бўлсачи,” деган савол туғилади ва туркистонлик асиirlарни Туркияга олиб келиш рад этилади [6;155]. Шундай қилиб, ҳеч қандай ёрдам ололмаган 100 минг туркистонлик ҳарбий асиirlар Совет давлатига қайтишга мажбур бўлади.

АҚШ ҳарбийлари 1945 йил 18 апрель санасида асосан туркистонликлардан иборат бўлган ҳарбий асиirlарни “Алманзор” пароходида Одесса шаҳрига юборади [9;54]. Асиirlар Одессага олиб келинганидан сўнг, баъзилари ҳеч қандай суд қилинмасдан отиб ташланади. Баъзи асиirlар эса Қора денгиз орқали Одессага олиб келинаётган вақтда ўзларини кемалардан денгизга ташлаб, ўз жонларига қасд қиласидилар. Бундан кўриниб турибдики, туркистонлик ҳарбий асиirlар Совет давлатига қайтиш, ўлим билан тенг эканлигини англаb етганлар. Шу сабабли, қўплаб асиirlар ўз жонларига қасд қилганлар. 1945 йилда Италия ҳудудида жанг олиб бораётган Туркистон легиони аскарлари таслим бўлади. Улар Италиядаги Мадена шаҳрида бир жойга жойлаштирилади ва миллатига қараб турли гурухларга ажратилади. Бу гурухлар Совет ҳокимияти жойлашган Тарент шаҳрига юборилади [10;150]. Лекин, собиқ Совет давлатига қайтишни хоҳламаган қўплаб легионерлар қочишга ҳаракат қилишган, баъзилари эса ўз жонларига қасд қиласиди. Совет давлатига поездда жўнатилаётган вақтда баъзи легионерлар ўзларини вагондан ташлаб, қочишга уринадилар. Совет давлатига олиб келинган легионерларнинг катта қисми ватан хоини сифатида айбланиб, уларга ўлим жазоси ёки узок муддатли сургун, қамоқ жазолари тайинланади. Совет давлатининг ҳарбий асиirlарга қилаётган муносабатини кўрган Туркистон легионининг раҳбарлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Қизил ярим ой халқаро ташкилотларига мурожаат қилиб, ўз ихтиёри билан ватанига қайтишни хоҳламаган туркистонлик ҳарбий асиirlарни мажбуран Совет давлатига топширмасликни сўрайдилар.

1950 йилларда Туркистон легиони аъзоларининг 12 нафари АҚШда истиқомат қилган ҳамда улар “Америка овози” ва “Озодлик” радиостанцияларида фаолият олиб борган. Урушдан кейин Германияда қолган Вали Қаюмхон ва Боймирза Ҳайитлар ҳам “Озодлик” радиосида бир неча бор чиқишлиар қилишган. Қозоғистонлик тарих фанлари доктори, профессор Гулнора Мендиқулова 1994 йилда Америка Қўшма Штатларига ташриф буюради. У Америкада икки нафар миллати қозоқ бўлган собиқ

легионерлар Кунтуган Базибеков ва Мухтор Қорабайлар билан учрашади. Кунтуган Базибеков урушдан кейин АҚШга келиб, узоқ йиллар таксичнолик фаолияти билан шуғулланади. Гулнора Мендикулова бу асиrlардан Туркистон легиони фаолиятига доир бир қатор маълумотларни олади.

Урушдан кейин Туркистон легионида хизмат қилган 8–10 нафар легионерлар Туркияning Анқара, Истанбул, Измир шаҳарларида истиқомат қилғанлар. Жумладан, Ҳакимжон ва Ҳасан Ҳақли Истанбул шаҳрида яшаган. Бухоро педагогика институтини тамомлаган Аббос Тангрисевар (Аббос Ҳайдар) Истанбул шаҳрида полиция комиссари лавозимида ишлаган. Шунингдек, легионда имом-хатиб бўлган Нуриддин Нақибхўжа ҳамда собиқ легионерлар Ҳусан Ҳўжаев, Обид Зоир, Одина Абдуллаевлар ҳам Туркияда қолишади [9;65]. Улар Туркияда турли лавозимларда фаолият олиб борадилар.

Ғарбий Германия ҳудудида “Antibolshevik Block Nations” (Большевизмга қарши миллатлар бирлик блоки) сиёсий ташкилоти ва “International Committee for Political Refugees” (Сиёсий қочоқлар халқаро қўмитаси) ташкилоти тузилади [2;4]. Ушбу ташкилотларнинг тузилиши ва фаолият юритишида собиқ легионерлар Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит, Рўзи Назар, Эргаш Шермат, Ҳусайн Икромхонлар мухим роль ўйнадилар. Ташкилотларнинг мақсади Совет давлатини тарқ этиб, сиёсий қочоқ сифатида дунёнинг турли давлатларида истиқомат қилаётган инсонларга ёрдам беришдан иборат бўлган.

1955 йил 17 сентябрда СССР Олий Совети “Улуғ Ватан уруши йилларида оккупация қилинган районларда немис-фашист босқинчилари билан ҳамкорлик қилган совет фуқароларини авф этиш тўғрисида” ва 1956 йил 29 июнда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг “Собиқ ҳарбий асиrlари ва уларнинг оилаларига нисбатан қўлланилган кўпол қонунбузарлик оқибатларини тугатиш тўғрисида” қарорлар қабул қилинади [7;80-81]. Бу қарорлардан сўнг, И.Сталин даврида жазолангандан

ҳарбий асириларнинг ишлари қайтадан кўриб чиқилади ва уларнинг баъзилари оқланади.

Боймирза Ҳайитнинг маълумотига қараганда, Совет давлатининг КГБ ташкилоти хорижий мамлакатларда яшаётган Совет фуқароларини қайтариш учун “Ватан” номли жамият ташкил этади. Ташкилотнинг Тошкент ва Олмаота шаҳарларида ҳам шўйбалари бўлган. Шунингдек, Тошкент радиоси “Ватандош” радиоэшиттиришини ташкил этиб, ҳар куни икки соат туркистонлик муҳожирлар орасида совет пропагандасини ёяди [5;44]. “Ватан” жамияти сабиқ Совет давлатидан турли сабабларга кўра чиқиб кетган шахсларни ёки Иккинчи жаҳон урушида Германия томонига асири тушиб ватанига қайтиб келмаган сабиқ қизил армия аскарларини аниқлаш учун харакат қилади. Совет ҳукумати уларни кечирганлиги ва ватанларига қайтишлари мумкинлиги тўғрисида “Ватан” жамияти томонидан уларга маълумотлар берилади.

“Мулоқот” журналида Вали Қаюмхонга берилган “Туркистон легиони” аъзоларининг урушдан кейинги тақдири нима бўлди?” деган саволга қуидагича жавоб берганди: “Асиридагилар оғир шароитларда қолишганда мен уларга байналмилал ёрдам берувчи кўпгина жойларга мурожаат этдим. Қизил Ярим Ойдан ёрдам беришни сўрадим. Аммо ҳеч қаердан мадад келмади. Ахири Швеция орқали мадад сўраб Москвага хат йўлладим. Сабиқ қизил аскарларга қулайлик яратишни илтимос қилдим. Аммо у ердан жавоб келдики, асирга тушганлар бизники эмас, улар – хоин. Шундан сўнг чорасиз қолган ва Туркистоннинг мустақиллигини истаганларни бир ерга тўплашга ҳаракат қилдим. Уруш тугаганидан сўнг бутун Оврўпа бўйлаб тарқаб кетган туркистонликларнинг кўпчилиги ўз юртларига қайтиш истагини билдириди. Италия, Франция, Бельгия ва бошқа мамлакатларда бўлишган ватандошларимизнинг кўпчилиги мамлакатларига қайтишни ихтиёр этдилар. Афсуски, улар ҳарбий асириликда бўлгани боис, ватанга қайтган заҳотиёқ қамоқقا олишди. Анча йилдан сўнг, бизнинг легионда хизмат қилган бир туркистонлик олмон профессори билан бирга қамоқда ўтирганини билдим.

Олмондан менга салом ва совға юборибди. Бундан англадимки, халқимизда шундай рух борки, уни куч ишлатиб йўқотиш алсо мумкин эмас! Туркистонликлардаги озодлик туйғусини ҳеч ким ҳеч қачон йўқ қила олмайди. Ҳозир Оврўпа мамлакатларида қолган туркистонликларнинг жами минг нафардан ошмайди. Улар орасида қўмита аъзолари ва бирга хизмат қилганлар талайгина. Аммо уларнинг кўпчилиги фаол ҳаракат қилишмайди. Фақат улардан менга мактубларда: “Ота, қанотимиз қисқа, сиздан мадад кутамиз”, деган сўзлар битилган” [4;39]. Бундан кўриниб турибдики, Европанинг кўплаб мамлакатларида қолиб кетган туркистонликларда она ватанларига қайтиш хоҳиши жуда ҳам юқори бўлган. Бироқ собиқ Совет давлати томонидан ўрнатилган чеклов ва тақиблар уларга Туркистонга қайтиш имконини бермаган.

Туркистон легионининг собиқ раҳбар ва баъзи аъзолари урушдан кейинги даврларда сиёсий ҳаётда ҳам фаол бўладилар. АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрида Исоқжон Нарзиқул, Эргаш Шермат, Рўзи Назар, Ҳусайн Икромхонларнинг ташаббуслари билан 1958 йил 13 декабря “Туркистон – Америка” ассоциацияси ташкил этилади [2;5]. Ушбу ташкилот сиёсий мақсадда тузилади. Бу ташкилотнинг бош ғояси Туркистонни собиқ Совет давлати ҳукмидан озод қилиш, халқقا эркинлик бериш ва мустақил давлат қурилишига йўл очишдан иборат бўлган. Бу ғоялар ташкилотнинг низомида ҳам асосий талаблар сифатида кўрсатилган. “Туркистон – Америка” ассоциациясининг биринчи президенти этиб Исоқжон Нарзиқул тайинланади. 1958 йил 17 июлда АҚШ президенти Д.Эйзенхауер томонидан “Асир миллатлар тўғрисида”ги қонун имзоланади. Қонун асосида “Туркистон – Америка” ассоциацияси “Асир миллатлар хафталиги” тадбирини ҳар йили июль ойининг учинчи ҳафтасида ўтказиб келади. Ўзбекистон Миллий архиви маълумотларига қараганда, ушбу тадбирларда антисовет, пантуркистик руҳдаги кинофильмлар ва видеоёзувлар намойиш этилади [3;1-2]. Шунингдек, ўзбек муҳожирлари ҳар

иили 13 декабрни Қўқон мухторияти ташкил топган кунни Туркистон мустақиллиги куни сифатида нишонлайдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, урушдан сўнг ватанига қайтган туркистонликлар собиқ Совет давлати томонидан турли жазоларга тортилди. Уларнинг катта қисми эса ўлдириб юборилди. Ўз ватанига қайтиб келмаган туркистонликлар дунёнинг турли давлатларида яшаб қолдилар. Улар умрларининг охиригача ўз ватанлариға қайтиш орзусида яшадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Садыкова Б. История Туркестанского легиона в документах. – Алматы: Кайнар, 2002. – 85 с.
2. Shukurzoda, Mavlon. Birinchi o‘zbek millioneri // Ватандош, 2011. – № 6. – B. 4.
3. Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 1 – 2-вараклар.
4. Қаюмхон, Вали. Миллат тақдири учун курашаман // Мулоқот, 1992. – № 1. – 39 б.
5. Ҳайит, Боймирза. Туркистон миллий истиқтоли масалалари // Мулоқот, 1992. – № 3-4. – 44 б.
6. Ҳайит, Боймирза. Советлар Иттифоқида туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари // Шарқ юлдузи, 1992. – № 3. – 155 б.
7. Ҳайитов Ш.А. Туркистонлик ҳарбий асирлар тақдири ҳақида // Водийнома, 2019. – № 1. – 80 б.
8. Ҳайитов Ш.А. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида муҳожирликка ўтган ўзбеклар // O‘zbekiston tarixi, 2005. – № 2. – 17 b.
9. Ҳайитов Ш.А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны // Метаморфозы истории. Научный альманах. Выпуск 6. – 2015. – С. 54.
10. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the world war II (1941-1945) (a master’s thesis). – Ankara. 2010. – S. 150.

11. Yarkın Koçar . II. Dünya savaşı'nda Türkistanlı lejyonerlerin hayat hikayesi
“Doğumunun 100. yılında Baymirza Hayit ve günümüzde Türkistan tarihi
araştırmaları uluslararası sempozyumu bildirileri”. – İstanbul. 2017. S. 386.